

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ХОДЖИКУЛОВА САОДАТ НАРИМАНОВНА

**ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК
БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри -2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (Doctor of
Philosophy) по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of the PhD (Doctor of Philosophy) on
economical sciences**

Ходжикулова Саодат Наримановна

Халқаро молия институтлари томонидан кичик бизнес субъектларини
кредитлашни такомиллаштириш..... 3

Ходжикулова Саодат Наримановна

Совершенствование кредитования субъектов малого бизнеса
международными финансовыми институтами..... 29

Khodjikulova Saodat Narimanovna

Improving lending to small businesses by international financial
institutions..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

ХОДЖИКУЛОВА САОДАТ НАРИМАНОВНА

ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК
БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри -2020 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Iqt318 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Республикаси Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Вахабов Абдурахим Васикович иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Аманов Ақром Абдуназарович иктисодиёт фанлари доктори, профессор Додиев Фозил Уткурович иктисодиёт фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ куни соат ___:___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри А. Темур кўчаси 60 А уй. тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри А. Темур кўчаси 60 А уй. тел.: (99871) 234-53-34. факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ куни тарқатилган.
(2020 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.З.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.Н. Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида кичик ва ўрта тадбиркорлик хусусий секторнинг муҳим қисми бўлиб, иш ўринларини яратади ва иқтисодий ўсишни таъминлайди. “Кичик ва ўрта бизнес субъектлари Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИХТТ) аъзо мамлакатларда ЯИМнинг 50-60 фоизини ва аҳолининг 60 фоизини иш билан таъминлайди. Кичик ва ўрта тадбиркорликни кредитлашни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича турли давлат дастурлари қабул қилинганлигига қарамай, юридик шахсларга берилган кредитларнинг умумий портфелидаги кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига берилган кредитларнинг улуши уларнинг Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларнинг ЯИМига қўшган ҳиссасидан пастдир. Жаҳонда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун молиялаш тақчиллиги 2 трлн. АҚШ долларини ташкил этмоқда”.¹ Шу муносабат билан халқаро молия институтлари кичик ва ўрта тадбиркорликни молиялаштиришни жадаллаштириш учун тобора кўпроқ ўзларининг капиталлари ва ресурсларидан фойдаланишга эътибор қаратмоқда.

Жаҳон амалиётида молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларга инновацион фаолият юритиш, самарадорликни ошириш, янги бозорларга чиқиш ва иш ўринларини яратиш имконини беради. “Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имконияти билан уларнинг самарали фаолияти ўртасида ижобий корреляцион боғлиқлик мавжуд.”² Дунёнинг етакчи университетлари, халқаро молия институтлари ва илмий-тадқиқот марказларида бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатларда инновацион молиялаштириш манбаларини ривожлантириш негизида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга бағишланган фаол илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишининг етакчи манбаи ҳисобланади. “2019 йилда мамлакатда КБХТнинг ЯИМдаги улуши 56,5 фоизни ва иқтисодиётда банд бўлганлар сонига 76,3 фоизни ташкил этди”,³ “КБХТдан олинган даромадлар аҳоли умумий даромадларининг 62,3 фоизини ташкил этди.”⁴ “Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси лойиҳасига мувофиқ КБХТни

¹Расширение возможностей для доступа субъектов микро-, малого и среднего предпринимательства к финансовым ресурсам в России за счет развития инновационных источников финансирования. Аналитическая записка. Группа Всемирного Банка. 2019. TheWorldBank. 13-14, 59.

²Kersten R, Harms S, Liket K and Maas K. 2011 Small Firms Large Impact? A Systematic Review of the SME Finance Literature. World Development 97 p. 330-348

³ Малое предпринимательство в Республике Узбекистан в 2019 г. Государственный Комитет по статистике Республики Узбекистан. с. 9-10 – www.stat.uz

⁴ Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане. Государственный комитет по статистике Республики Узбекистан. Ташкент – 2018. с.61.

ривожлантиришнинг мақсади мамлакат аҳолисининг умумий даромадларидаги тадбиркорлик улушини 70 фоизга етказиш ҳисобланади”.⁵ Мамлакатимизда КБХТни қўллаб-қувватлаш механизми сифатидаги ташқи кредитлаш шаклланиш босқичида бўлиб, 2019 йилда кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталига йўналтирилган инвестицияларнинг умумий ҳажмида хорижий кредитларнинг улуши 15,1 фоизни ташкил этди.⁶ “Бизнинг тижорат банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиши, арзон ва узоқ муддатли ресурсларни жалб қилиши керак”⁷. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида халқаро молия институтларининг кредит маблағлари ҳисобига КБХТ субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ хориж валютасидаги кредитларнинг юқори фоиз ставкалари, банк томонидан талаб қилинадиган гаров таъминотини таъминлашнинг қийинлиги, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг молиявий манбалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш каби масалаларни тадқиқ этиш долзарб, ҳал этилиши зарур ва амалий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммолар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги ПҚ-2746-сон “Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231-сон “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 19 июлдаги ПҚ-4399-сон “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида “Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 24 октябрдаги ПҚ-4498-сон “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4440-сон “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 24 ноябрдаги ПҚ-4525-сон “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

⁵Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш Концепцияси. <https://regulation.gov.uz/uz/document/9413>

⁶ Малое предпринимательство в Республике Узбекистан в 2016-2019 гг. Государственный Комитет по статистике Республики Узбекистан. с. 173 – www.stat.uz

⁷Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси: <https://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020>

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Банклар ва банк бўлмаган кредит ташкилотлари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижий иқтисодчи олимлар А.Стахнюк, В.Сафарян, Д.Савинов, Дж.Синки, М.Юнус, А.Жоли, С.Федорова, Й.Шумпетер, Д.Гейл, Ф.Аллен, Ж.Шанел-Рейно, Э.Блуа, А.И.Шпыновларнинг илмий ишларида ўрганилган.⁸

И.Алмардонов А.Баймуратов, И.Рахманов, Д.Тожибоева, Ж.Исоқов, Л.Зойирова, Н.Урманова каби мамлакатимиз иқтисодчиларининг илмий асарларида кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг баъзи назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган⁹.

Шу билан биргаликда, кичик бизнес субъектларини молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятлари ва халқаро молия институтларининг кредит линиялари маблағлари ҳисобига кредитлашни такомиллаштириш масалалари Ўзбекистон иқтисодчи-олиmlари томонидан диссертация ишининг мустақил объекти сифатида таҳлил қилинмаган. Тадқиқот мавзусининг долзарблиги, натижаларининг илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги ва муаммонинг иқтисодий адабиётда етарли даражада

⁸Стахнюк А.В. Малый бизнес: проблема доступности кредитов//Деньги и кредит. – Москва, 2010. - №3. - С. 23-26.; Сафарян В.Р. Факторинг как источник финансирования малых предприятий//Деньги и кредит. – Москва, 2013. - №2. – С. 71-73.; Савинова Д. В. О формировании механизма привлечения кредитных ресурсов в малый бизнес // -Москва. Деньги и Кредит., 2009. - № 5. С. 59-63.; Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – 1018 с.; Мухаммад Юнус, Алан Жоли. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2010. – 307 с.; Федоров С.Л. Микрокредитование как инструмент поддержки экономической активности сельского населения//– Москва. Деньги и кредит., 2004. – № 1. – С. 51-57.; Шумпетер Й.А. Основы предпринимательства. Пер. с нем. – М.:Дело, 1974. – 274 с.; Allen F., Gale D. Comparing Financial Sestems. – Cambridge, Mass: MIT Press, 2000. – 519 p.;Chanel-ReynaudG., BloyE. LaBanqueetlerisque PME. – PressesUniversitairesdeLyon, 2001. – 190 p.; Расширения возможностей для доступа субъектов малого и среднего предпринимательства к финансовым ресурсам России за счет развития инновационных источников финансирования. Аналитическая записка. Группа Всемирного Банка. 2019 г. TheWorldBank. – 74 с.; Малый и средний бизнес как фактор экономического роста России. // Институт экономической политики имени Е.Т. Гайдара – М.: Издательство Института Гайдара. 2019 г. – 308 с.; Шпынова А.И. Кредитование малых и средних предприятий: зарубежный и российский опыт. – М.: Полпред. 2009. – 156 с.

⁹Алмардонов И.М. Совершенствование методических и практических основ кредитования субъектов малого бизнеса. Автореферат дисс.насоис уч. степ. д.э.н. Ташкент-2018 - 62 с.; Баймуратов А.Д. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини банклар томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н. – Ташкент, 2008.-16 с.; Рахманов И.Х. Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматларни такомиллаштириш йўллари. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н. – Ташкент, 2011. – 19 с.; Таджибаева Д.А. Микрофинансирование в Центральной Азии: теория, практика и перспективы развития. – Ташкент: KONSUDITINFORM-NASHR, 2011. – 256 с.; Таджибаева Д.А. Финансовая доступность и микрофинансирование: Учебное пособие – Т.: Baktriya-Press, 2018 – 304 с. Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н. – Ташкент, 2016. – 28 с.;Зойиров Л.С. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини лизинг асосида молиялаштиришни такомиллаштириш. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н. – Ташкент, 2011. – 20 с.;Урманова Н.Р. Перспективы развития микрофинансирования в Узбекистане. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н. – Ташкент, 2012. – 23 с.

тадқиқ этилмаганлиги ушбу тадқиқот мавзусини танлашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади халқаро молия институтларининг кредит линиялари маблағлари ҳисобига кичик бизнес субъектларини кредитлашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

халқаро молия институтларининг кредит линиялари маблағлари ҳисобига кичик бизнес субъектларини кредитлаш масалалари бўйича илмий-назарий қарашларнинг қиёсий ва танқидий таҳлилин аналга ошириш;

халқаро молия институтларининг кредит линиялари маблағлари ҳисобига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг моҳияти, хусусиятлари ва механизмини очиқ бериш;

бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш амалиётидаги халқаро тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда халқаро молия институтларининг кредит линиялари маблағлари ҳисобига Ўзбекистонда кичик бизнесни кредитлашни такомиллаштириш жараёнида ушбу тажрибаларни ижодий қўллаш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

халқаро молия институтларининг кредит линиялари маблағлари ҳисобига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг ҳуқуқий-институционал асосларини таҳлил қилиш ҳамда уни такомиллаштириш йўллари аниқлаш;

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларини кредитлаш ҳолатини баҳолаш ва унинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;

халқаро молия институтларининг кредит линиялари ҳисобига кичик бизнесни кредитлаш имкониятига таъсир қилувчи чекловчи омилларни аниқлаш, тавсифлаш ва уларни таснифлаш;

халқаро молия институтларининг кредит линиялари маблағлари ҳисобига кичик бизнесни кредитлашни такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида халқаро молия институтларининг кредит линиялари маблағлари ҳисобидан кичик бизнесни субъектларини кредитлаш тизими танланган.

Тадқиқотнинг предмети халқаро молия институтлари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, монографик ўрганиш, эксперт баҳолаш,

статистик таққослаш, иқтисодий-математик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларида давлат кафолати асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сузувчан ставкада кредитлаш ва қайтариш механизмини қўллаш таклиф этилган;

халқаро молия институтларининг кредитларини жалб этиш бўйича тижорат банкларининг кредитлаш имкониятларини, уларнинг ликвидлигини таъминлаш ва капиталлашув даражасини ошириш асосида кенгайтириш асосланган;

тижорат банклари томонидан юридик мақом ва яхши кредит тарихига эга, камида уч йил фаолият юритган, 1-даражадаги тўлов қобилияти талабларига жавоб берадиган кичик бизнес субъектларига активларининг 80 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда ишончли кредитлар бериш таклиф қилинган;

ишлаб чиқариш, савдо ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўчмас мулк, автомобиль ва тилла буюмлар гарови асосида талаб ва таклифни таъсирида шаклланадиган ставкалар бўйича нақд ва нақд бўлмаган шаклда 100 миллион сўмгача бўлган миқдорда микрокредитлар бериш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эконометрик таҳлил воситаларидан фойдаланиш асосида ўзаро боғлиқлик даражаси ва халқаро молия институтларининг кредит линиялари маблағлари ҳисобига кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳажмига таъсир этувчи омиллар аниқланган;

халқаро молия институтларининг кредит линияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида халқаро ҳисоб-китоблардан фойдаланишни кенгайтириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

ривожланган мамлакатларнинг бой, илғор тажрибаси асосида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятларини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги амалга оширилган усулларнинг расмий манбалардан олинганлиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Жаҳон банки гуруҳи, ИХТТ, Осиё тараққиёт банки, Европа Иттифоқи, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ташкилотларини ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банкларининг расмий статистик маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан КБХТ субъектларини кредитлашни такомиллаштириш ва хорижий кредитларни самарадорлигини оширишга бағишланган махсус, чуқур илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун илмий-услубий база сифатида фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан халқаро молия институтларининг кредит линиялари маблағлари ҳисобига кичик бизнес субъектларини кредитлаш самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда фойдаланилиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Халқаро молия институтларининг кредит линиялари маблағлари ҳисобига кичик бизнес субъектларини кредитлашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банкларида давлат кафолати асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сузувчан ставкада кредитлаш ва қайтариш механизмини жорий этиш таклифи “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки 12-сон буйруғи билан тасдиқланган кредит сиёсатида ўз аксини топган (“Туронбанк” акциядорлик тижорат банкининг 2019 йил 9 сентябрдаги 16/01-239-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши банкнинг кўшма корхоналарга берилган кредитлар бўйича фоиз даромадларини 12,1 фоиз пунктга ошириш имконини берган;

халқаро молия институтларининг кредитларини жалб этиш бўйича тижорат банкларининг кредитлаш имкониятларини, уларнинг ликвидлигини таъминлаш ва капиталлашув даражасини ошириш асосида кенгайтириш бўйича таклифи “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки 12-сон буйруғи билан тасдиқланган кредитсиёсатида ўз аксини топган (“Туронбанк” акциядорлик тижорат банкининг 2019 йил 9 сентябрдаги 16/01-240-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий қилиниши натижасида тижорат банкида ликвидлик ва капиталнинг етарлилиги кўрсаткичлари бўйича иқтисодий стандартларни, жумладан, жорий ликвидлик коэффицентини 0,38 фоиз пунктга ва биринчи даражали капиталнинг тартибга солувчи капиталнинг умумий ҳажмидаги улушини 1,9 фоиз пунктга оширишга эришилган;

тижорат банклари томонидан юридик мақом ва яхши кредит тарихига эга, камида уч йил фаолият юритган, 1-даражадаги тўлов қобилияти талабларига жавоб берадиган кичик бизнес субъектларига активларининг 80 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда ишончли кредитлар бериш бўйича таклифи “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат банки 5-сон буйруғи билан тасдиқланган кредит сиёсатида ўз аксини топган (“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банкининг 2020 йил 27 майдаги 15-3893-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий қилиниши натижасида банк томонидан 2019 йилда кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳажми 2018 йилга нисбатан 2,2 бараварга ўсган ва 2019 йил 31 декабр ҳолатига 3,3 трлн. сўмни ташкил қилган;

ишлаб чиқариш, савдо ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўчмас мулк, автомобиль ва тилла буюмлар гарови асосида талаб ва таклифни таъсирида шаклландирган ставкалар бўйича нақд ва нақд бўлмаган шаклда 100 миллион сўмгача бўлган миқдорда микрокредитлар бериш бўйича таклифи “Ипотека-

банк” акциядорлик тижорат ипотека банки 5-сон буйруғи билан тасдиқланган кредит сиёсатида ўз аксини топган (“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банкининг 2020 йил 27 майдаги 15-3893-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий қилиниши 2019 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитлар ҳажмини 2018 йилга нисбатан 12,5 фоизга кўпайтириш имконини берган ва 2019 йил 31 декабрь ҳолатига кўра 80,4 млрд. сўмни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари учта республика ва иккита халқаро илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда тўққизта илмий мақола, жумладан еттитаси республика, иккитаси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 160 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети аниқланган, унинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари билан ўзаро боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар, диссертация ҳажми ва тузилиши ҳақида ахборот келтирилган.

Диссертациянинг **“Халқаро молия институтлари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида кичик бизнесни халқаро молия институтларининг кредит линиялари маблағлари ҳисобига кредитлаш моҳияти, ушбу институтларнинг кредит линиялари хусусиятлари ва кичик бизнесни хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобига кредитлаш бўйича халқаро тажриба ҳамда ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари тўғрисида илмий ва назарий қарашлар ўрганилган.

Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг назарий асосларини ўрганиш қуйидагиларни кўрсатди:

банклар фаолияти ва молия бозорларига асосланган икки турдаги молия тизимини ажратиш мумкин. Биринчи ҳолатда, ссудалар молиявий инвестицияларнинг асосий манбаи бўлиб, молиялаштиришда банклар муҳим ўрин эгаллайди. Молия тизими рақобатбардош бозорлар фаолиятига асосланган иккинчи ҳолатда эса молиялаштиришнинг бошқа шакллари устувор аҳамият касб этади;

кредит деганда “кредитор томонидан қарз олувчига қайтариб беришлик, муддатлилик ва фоизларни тўлаш шарти билан вақтинчалик фойдаланиш учун пул ёки бошқа моддий ресурсларни бериш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизими” тушунилади;

ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта корхоналар ташқи молиялашни жалб қилиш учун компания – юридик шахс номига ва жисмоний шахс – бизнес эгаси номига чиқарилган кредит карталаридан фойдаланади;

овердрафт – бу кичик ва ўрта корхоналар фаолиятини молиялаштиришнинг қўшимча манбаи ҳисобланади;

кичик тадбиркорлик субъектлари ўз корхоналари фаолиятини молиялаштириш учун тижорат кредитини олишдан кўра истеъмол кредитларидан фойдаланишига тўғри келмоқда;

кичик ёки ўрта ва йирик корхоналар ўртасида ўрнатилган тижорат алоқалари туфайли банк амалда кичик корхоналарнинг тўлов қобилиятини баҳолаш имкониятини қўлга киритади, чунки кичик ёки ўрта корхона билан тадбиркорлик муносабатларига киришишдан олдин йирик корхона етказиб берувчининг бозор талабларига жавоб бера олиш қобилиятини таҳлил қилади.

Халқаро молия институтларининг кредит линиялари хусусиятларини таҳлил этиш куйидагиларни кўрсатди: **биринчидан**, улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига давлат кафолатлари билан таъминланган LBL асосида кредитлар таклиф қилмоқда, бунда кредитлаш сузувчан ставкали бўлиб, олти ой учун ЛИБОР ставкасидан, шартнома бўйича амалдаги спрэддан ва тегишли ҳолларда кредит амалда бўладиган бутун муддат учун белгиланган муддатидан олдин қайтариш учун мукофотлардан иборат бўлади; **иккинчидан**, LBL кредити – бу ОТБга энг яхши шароитларда самарали воситачилик қилишга имкон берадиган бозорга асосланган кредит маҳсулотидир; **учинчидан**, кредитнинг молиявий шартларини танлашда қарзни бошқаришнинг оқилона амалиёти мавжуд, бунда кредит параметрлари қарз олувчининг ташқи қарзининг умумий портфелини ҳисобга олган ҳолда лойиҳанинг талаблари ва унинг хатарларга мойиллиги даражасига мувофиқ тузилади; **тўртинчидан**, кичик бизнес субъектлари учун кредит спрэд муайян лойиҳа ва қарз олувчининг кредит хавф-хатарларини акс эттиради; **бешинчидан**, ставкаларнинг фиксинглари жадвалини (SRF) белгилашни назарда тутадиган белгиланган фоизли кредитлар бўйича қарз олувчи ОТБга муддатларда ёки миқдори бўйича бир қанча фоиз ставкалари фиксингларини автоматик равишда бажаришни буюриши мумкин.

1-жадвал

Осиё тараққиёт банки активлари ва кредитлари, млрд. АҚШ доллари¹⁰

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2014	2015	2016	2017	2018
Активлар	115,660	117,697	125,854	182,381	191,860
Кредитлар	55,890	61,941	67,599	101,008	106,405


Юқоридаги 1-жадвал маълумотлари кўрсатишича 2014-2018 йилларда ОТБ активлари ва кредитлар миқдори ўсиб борди, бу банкнинг кредитлаш ва инвестиция операциялари ҳажмининг ортиши билан изоҳланади. 2001 йилда ЛИБОР (LBL) асосида кредит маҳсулотини жорий этиш орқали ОТБ қарз олувчиларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларига эътибор қаратди. ОТБ шаффоф бозор параметрларига асосланган маҳсулотни такдим этади, унинг маълум бир лойиҳанинг ҳақиқий талабларига мослашишини таъминлайди ва ОТБга энг мақбул шартлар асосида воситачилик қилишга имкон беради.

ЕТТБ кредитларининг ўзига хос жозибadorлиги шундаки, у хусусий корхоналарга давлат кафолатисиз кредитлар ажратади. Кредитлар ажратишда лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги, пул муомаласининг тезлиги, унинг амалий фаолияти ва кредитни муддатидан олдин тўлаш имкониятларига катта аҳамият берилади.

2014-2018 йилларда ЕТТБ инвестициялари ҳажми ўсиб борди. Шу билан бирга, 2018 йилда ЕТТБ инвестициялари ҳажми 2017 йилдаги ушбу кўрсаткичга нисбатан камайди, бу эса инвестиция лойиҳалари сонининг камайиши билан изоҳланади.

¹⁰ ADB Resources and Financial Data. www.adb.com.

1-расм маълумотлари таҳлили кўрсатишича, кичик бизнесга берилган кредитлар ОТБ ва ЕТТБ кредитлари умумий ҳажмида нисбатан оз улушга эга. Ушбу ҳолатнинг сабаби кичик бизнесни кредитлаш қайд этилган халқаро молия институтларининг кредит фаолиятининг устувор йўналиши эмаслиги билан белгиланади.



1-расм. Кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг ОТБ ва ЕТТБ кредитлари умумий ҳажмидаги улуши (жамига нисбатан фоизда)¹¹.

Юқоридаги маълумотлар 2014-2017 йилларда ЕТТБ кредитларининг умумий ҳажмида кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг улуши 2012-2016 йилларда Ўзбекистон ҳукумати ва ЕТТБ ўртасидаги муносабатлари ёмонлашгани туфайли камайганлигини кўрсатади. Умуман, ОТБ учун баъзи бир тебранишларга қарамай, кичик бизнес субъектларига бериладиган кредитлар улуши ўсиш тенденциясига эга.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнес фаолият кўрсатган узоқ муддат мобайнида кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш бўйича бой тажриба тўпланган. Ўтказилган тадқиқотлар кўрсатишича, молия ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланишида муҳим ўрин тутди. Ушбу омил фирмаларга инновацияларни жорий этиш, самарадорликни ошириш, янги бозорларга чиқиш ва янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Маълумотлар таҳлили кўрсатишича 2016 йилдан бошлаб кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредитлар бериш талаблари кучайганлиги сабабли берилган кредитлар ҳажми камайиб бормоқда. Банкларнинг кредит портфелида таркибий ўзгаришлар содир бўлмоқда, ушбу ҳолаткичик ва ўрта бизнесни қисқа муддатли кредитлашдан узоқ муддатли кредитлашга ўтишида намоён бўлади. Ушбу тенденция ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатида кичик ва ўрта тадбиркорликка инвестиция кредитларини беришни рағбатлантиришга қаратилганлиги билан изоҳланади. Кичик ва ўрта бизнес учун бериладиган кредитларнинг ўртача фоиз ставкаси сўровномада қатнашган 36 мамлакатдан 30 тасида пасайган. XXI асрнинг бошларида микрокредитлаш технологиялари дунёнинг 125 дан ортиқ мамлакатда қўлланилди ва барқарор суръатларда ривожланмоқда. Микрокредитларнинг

¹¹ Расм www.adb.com ва www.ebrd.com интернет-сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан чизилган.

барқарор суръатларда ривожланишининг сабаби шундаки, улар аҳолининг кам таъминланган қатламлари моддий ҳолатини яхшилаш ва давлат томонидан микрокредитлашга кўмаклашиш масаласида самарали ҳисобланади. Жаҳоннинг аксарият ривожланган мамлакатларидаги тадбиркорларга имтиёзли кредитлар олиш имконияти яратилган.

“Канададаги банклар аксарият кичик ва ўрта корхоналар учун кундалик операцияларни амалга ошириш учун фойдаланадиган асосий молиявий ташкилот ҳисобланади. Уларга мамлакатнинг барча ҳудудларини қамраб олган ривожланган банк филиаллари тармоғи ёрдам беради. Жамғарма ва кредит кооперативлари минтақавий ёки провинциал ташкилотлар ҳисобланади. Канадага хос ушбу маълумотлар Қўшма Штатларда кайд этилган тенденцияни исботлайди, унга кўра энг йирик корхоналар кўпроқ банклар ва бошқа муассасалар билан ҳамкорлик қилади, кичик корхоналар эса асосан кредит кооперативлари хизматидан фойдаланади”¹².

Германияда кичик бизнесни кредитлаш тизими микромолиялаштиришни рағбатлантириш учун кўпроқ кичик бизнес билан ишлайдиган молия институтларининг маблағларини тақдим этишни назарда тутуди, кичик бизнесни бевосита тўғридан-тўғри кредитлар ва субсидиялар билан молиялаштиришдан эса камроқ фойдаланилади. Германия давлат банки микромолиялаш тизимининг пойдевори бўлиб қолмоқда. “Германия ҳукуматига қарашли бўлган ва шу билан бирга маҳаллий ривожланиш банкининг муқобили бўлган ушбу молиявий гуруҳ экспортни молиялаштириш агентлиги ва Германиядаги 3 миллиондан ортиқ кичик корхоналарни молиялаштиришга ихтисослашган кредит ташкилоти ҳисобланади”¹³.

Таҳлиллар кўрсатишича, банк олиши мумкин бўлган фойда кўрсаткичига нисбатан кредит бўйича юқори операцион харажатлар микрокредитлар учун долзарбдир: “Европа Иттифоқига аъзо баъзи мамлакатларда операцион харажатлар ҳажми 700 евро ёки ҳатто 2000 еврога етиши мумкин”¹⁴.

“Миллий иқтисодиётда хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобига кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг ҳолати ва ривожлантириш тенденциялари” деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг ҳуқуқий ва институционал асослари, халқаро молия институтларининг кредит линиялари маблағлари ҳисобига кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган, кредитлашни хусусиятлари ва ривожланиш тенденциялари аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармониға мувофиқ

¹² Канада статистика ахборот портали // Расмий ахборот портали [Электрон манзил].– 2012 – Фойдаланиш режими: http://www.ic.gc.ca/epic/site/sme_fdi-prf_pme.nsf/fr/01991f.html. – Фойдаланилган сана: 04.10.2012.

¹³ Тадбиркорлик муаммоларини тизимли ўрганиш миллий институти // Расмий интернет портали. [Электрон ресурс] – 2012.– Фойдаланиш режими: <http://www.nise.ru>.

¹⁴ Microcredit for small businesses and business creation: bridging a market gap. — P. 10.

истикболли инвестиция лойиҳаларига, жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар беришни янада кенгайтириш макроиқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлашнинг асосий шартидир.

Давлатнинг инвестиция сиёсати миллий иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришни чуқурлаштириш шароитида инвестиция муҳити ва ишбилармонлик муҳити яхшиланмоқда. Рағбатлантирувчи солиқ-бюджет сиёсати ва хусусий сектор субъектларини мақсадли кредитлаш натижасида Ўзбекистонда инвестициялар ва истеъмолчиларнинг юқори фаоллиги сақланиб қолди, иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратилди. Инвестициялар ҳажмининг ўсиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш ва саноатнинг етакчи тармоқларида ва қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича давлат дастурларини молиялаштириш ҳисобига таъминланди.

Ўзбекистонда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестициялар, кредитлар ҳажми барқарор суръатларда ўсиб бормоқда. 2019 йилда миллий иқтисодиётда асосий капитал ва кредитларга йўналтирилган 12,1 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Таҳлиллар кўрсатишича, хорижий инвестициялар ва кредитларнинг асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар умумий ҳажмидаги улуши 42,4 фоизни ташкил этди. Умуман, 2019 йилда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 20,7 фоизини ташкил этди, ушбу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 3,1 баравар кўпдир. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар умумий ҳажмининг 46,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

2-жадвал

Молиялаш манбалари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар (фермер ва деҳқон хўжалиқларини ҳисобга олмаганда; жамига нисбатан фоизда).¹⁵

	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Асосий капиталга инвестициялар	100	100	100	100	100
шу жумладан, қуйидагилар ҳисобига					
- ўз маблағлари	55,6	55,7	52,3	42,2	19,9
- хорижий инвесторлар маблағлари, шу жумладан уларнинг қайта инвестициялари	5,1	10,2	6,3	12,5	47,6
- хорижий кредитлар	7,8	2,2	3,5	5,2	15,1
- банклар кредитлари	26,2	25,6	33,4	35,8	15,8
- бошқалар	5,3	6,3	4,5	4,3	1,6

¹⁵ Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. 2016-2019 йиллар. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Тошкент – 2020. 173 б.

2-жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича, 2015-2019 йилларда кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг молиялаштириш манбалари тузилмасида ижобий тенденциялар кузатилди. Жумладан, кичик бизнес субъектлари маблағларининг умумий молиялаш манбаларидаги улуши 2015 йилдаги 55,6 фоиздан 2019 йилда 19,9 фоизгача кескин камайди, яъни 35,7 пунктга пасайди. Айтиш мумкин вақтда бозор муносабатлари ривожланиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун банк тизими ҳисобидан имтиёзли кредитлар ва имтиёзлар ажратилиши билан кичик бизнес субъектларини молиялаштириш манбалари таркибида тижорат банклари кредитлари – хорижий кредиторлар камайди, жумладан уларнинг улуши 2015 йилдаги 34,0 фоиздан 2019 йилда 30,9 фоизгача, яъни 3,1 пунктга қисқарди.

Хориж кредитлари кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий фондларига сармоя киритишда муҳим ўрин тутди ва умумий молиялаштириш манбаларининг 15,1 фоизини ташкил этади, уларнинг мутлақ ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. 2019 йилда мамлакатнинг хўжалик юритувчи субъектларига 6,2 миллиард АҚШ доллари миқдорда кредит ажратилди. Ажратилган кредитлар таркибини таҳлил қилиш хусусий секторнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга мойиллиги миллий валютада олинган қарзларнинг нисбатан юқори фоизлари билан изоҳланишини кўрсатмоқда. “Қайта молиялаштириш ставкаси юқори бўлганлиги сабабли юридик шахсларга берилган миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ставкаси юқориликча қолмоқда – 23,8 % (ўртача ставка). 2018 йилда ушбу кўрсаткич қисқа муддатли кредитлар бўйича 22,5 фоизни ва узоқ муддатли кредитлар бўйича 24,5 фоизни ташкил этди”.¹⁶

Юқори фоиз ставкасига қарамай, хўжалик субъектларига берилган кредитлар ҳажми ўсиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотларига кўра 2018 йилда тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажми 184,4 трлн. сўмни (21,84 млрд. АҚШ долларини) ташкил этди. Таҳлиллар кўрсатишича, келгусида берилган кредитлар ҳажми муттасил ўсиб боради. Бундай прогнознинг сабаби шундаки, Ўзбекистонда мамлакатнинг турли тоифадаги фуқаролари учун кредит линиялари бўйича имтиёзли давлат дастурлари қабул қилинган. Танланган дастурларга мувофиқ фоиз ставкаси 3-7 фоизгача туширилади. Давлат дастурлари билан бир қаторда хорижий кредит линиялари ҳам мавжуд. “Халқаро молия институтлари билан яқин ҳамкорлик маҳаллий банкларга 8-18 фоизли ставкалар билан кредитлар бериш имконини бермоқда”.¹⁷

¹⁶Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Пул-кредит сиёсати шарҳи”: 2019 йил IV чорак. Тошкент. 2020 йил. 25-26 бет.

¹⁷Бизнес-среда Узбекистана. Ежегодный отчет/2019. DGPResearch&Consulting – 2019. Ташкент. Узбекистанс.15.



2-расм. Кичик бизнес субъектларига Ўзбекистон Республикасида хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар (млн. АҚШ доллариди)¹⁸

Марказий банкнинг инвестиция лойиҳаларини эркин конвертация қилинадиган валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомига мувофиқ (1999 йил 22 мартда 681-сон билан рўйхатга олинган) чет эл валютасидаги кредитлар ваколатли банклар томонидан асосан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва экспорт қилинадиган товарларнинг сифатини яхшилашга мўлжалланган ускуналар, материаллар, янги маҳсулотлар намуналари, бошқа моддий қадриятлар ва технологияларни импорт қилиш билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун берилади. Хорижий валютадаги кредитлар ваколатли банклар томонидан ўзларининг ва жалб қилинган кредит ресурслари ҳисобига Марказий банк томонидан хорижий валютадаги операциялар бўйича белгиланадиган иқтисодий нормативларга риоя қилган ҳолда тақдим этилади.

2-расмдан кўриниб турибдики, 2005-2017 йилларда мамлакатда хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобига кичик бизнес субъектларига ажратиладиган кредитлар ҳажмининг ўсиши тенденцияси кузатилди.

Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ва бошқалар Ўзбекистондаги кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига кредит беришни ривожлантиришда ёрдам кўрсатадиган етакчи халқаро молия институтлари ҳисобланади.

1993 йилдан буён Жаҳон банки хусусийлаштириш, молия секторини ривожлантириш, кишлоқ хўжалигини, электр энергиясини модернизация қилиш, ижтимоий инфратузилмани, соғлиқни сақлаш, таълим ва кичик ва ўрта тадбиркорликни такомиллаштириш соҳасида 33 та лойиҳани амалга ошириш учун мамлакатга умумий қиймати 2,8 миллиард АҚШ долл. миқдорида кредитлар ва қарзлар ажратди. 2016 йилда Жаҳон банкнинг Ижрочи директорлари кенгаши 2016-2020 йилларда Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг янги концепциясини тасдиқлади, умумий қиймати 4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 27 та устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун республикага 3 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ маблағ ажратди. Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро молия корпорацияси (ХМК) фаолиятининг устувор йўналиши кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-

¹⁸ Расм муаллиф томонидан www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида тузилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).

қувватлаш ҳамда молиялаштиришдир. Халқаро молия корпорацияси “Ипак йўли” банкига Ўзбекистондаги микро, кичик ва хусусий корхоналарни кредитлашни кенгайтириш учун 15 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Янги механизмни жорий этишнинг мақсади айланма капитални маҳаллий валютада молиялаштиришдир. ХМК ўзбек сўмидаги облигацияларни халқаро бозорларда жойлаштириш орқали хусусий банкларни миллий валютада молиялаштиришни кенгайтиришга кўмаклашади. Жумладан, 2018 йил май ойидан бошлаб ХМК Ўзбекистондаги кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит беришни кенгайтириш учун 240 миллиард сўми (30 миллион АҚШ долларига тенг) жалб қилган ҳолда уч марта ўзбек сўмида облигациялар жойлаштирди. Ушбу ҳамкорлик “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятида яққол намоён бўлмоқда, жумладан, банк 2019 йил ноябрь ойида Лондон фонд биржасида 300 миллион АҚШ доллари миқдоридаги евробондларни жойлаштирди. Бу халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда жаҳон фонд бозорида ютуққа эришган биринчи ўзбек банкидир. 2019 йилда ХМК кредит ресурсларининг 49 фоизи йирик корхоналарга, 40 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, қолган қисми чакана миқозларга ажратилди. Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни кенгайтириш, қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш, туризм ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида янги иш ўринлари яратиш мақсадида 2019 йил 21 март куни Жаҳон банки Директорлар Кенгаши Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан “Ўзбекистон Республикасида Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳасини молиялаштириш учун 5 йиллик имтиёзли муддатни кўшган ҳолда 25 йилга 200 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилишини маъқуллади. Лойиҳанинг умумий қиймати 300,6 миллион АҚШ долларига тенг, шундан Ўзбекистон Республикасининг улуши 100,6 миллион АҚШ долларини ташкил этади, шу жумладан солиқ ва божхона тўловлари, инвестиция даврида молиявий харажатларни тўлаш бўйича имтиёзлар тақдим этиш шаклидаги улуши 64 миллион АҚШ долларига тенг ва лойиҳа иштирокчилари улуши 36,6 миллион АҚШ долларига тенг. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидан олинган кредит Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қайтарилади.

1995 йилда ОТБга аъзо бўлганидан буён Ўзбекистон банкдан умумий қиймати 6,8 миллиард долларлик 69 та кредит олди, шу жумладан хусусий сектор лойиҳалари учун 225 миллион АҚШ доллари ва техник ёрдам грантлари шаклида 81,93 миллион АҚШ доллари миқдорида иккита кредит олди.

**2018 йилда “Агробанк” АТБ томонидан жалб қилинган кредит
линиялари.¹⁹**

Т/р	Молиявий ташкилот номи	Контракт валютаси	Кредит линиясини ёпиш	Ҳақиқатда ўзлаштирилган	Банкнинг ХМИ олдидаги мажбурияти	Мақсад
1	Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки	долл.	15481	15 465,1		Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш
2	Халқаро тараққиёт ассоциацияси	долл.	9 165,0	9 203,8	6 710,1	Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш
3	Осиё тараққиёт банки	долл.	45 200,0	28 829,3	4 765,7	Кичик бизнесни молиялаштириш
4	Хейпофрейнсбанк АГ, (Германия)	евро	2 870,0	2 866,5		“Ройсон вайт гудс” кир ювиш машинаси музлатгичлари лойиҳаси
5	Эксимбанк (Хитой)	долл.	3 254,1	3 254,1		Производство мини-прутьев
6	КФВ/МБ (Германия)	евро	4 138,9	4 138,9		Кичик бизнесни молиялаштириш
7	Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси	долл.	11 000,0	10 774,4		Кичик бизнесни молиялаштириш
8	Зираат банк (Туркия)	долл.	66 025,6	65 508,8	39 952,4	Кичик бизнесни молиялаштириш
	Жами	минг доллар	150 125,6	133 035,5	51 428,3	
	Жами	минг евро	7 008,9	7 008,9	-	

2017 йил октябрда ОТБ Ўзбекистон учун 2018-2020 йилларда мамлакат операцияларининг бизнес режасини (МОБР) тасдиқлади. МОБР доирасидаги умумий ёрдам 2,9 миллиард АҚШ долларини ташкил этади ҳамда, транспорт ва коммуникация, энергетика, сув таъминоти, муниципал инфратузилма, соғлиқни сақлаш хизматлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланишини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Осиё тараққиёт банки ва бошқа махсус фондларнинг капитал ресурслари ҳисобига молиялаштириладиган Ўзбекистондаги қарз ва грант лойиҳалари бўйича ўзлаштирилган маблағларнинг умумий миқдори 3,26 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Юқоридаги 4-жадвалдаги маълумотлардан ушбу кредит линияси бўйича ОТБ кредитлари узоқ муддатли эканлиги, асосий воситаларни сотиб олишни молиялаштиришга мўлжалланган ва кредитларнинг фоиз ставкаси юқорилигича қолаётганлиги кузатилмоқда.

¹⁹ Jadval muallif tomonidan "Agrobank" ATBning 2018 yil uchun e'lon qilingan yillik hisoboti asosida tuzilgan.

**“Ипак йўли” АИКБ томонидан жалб қилинган Осиё тараққиёт
банкининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни
ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш” кредит линияси²⁰**

Кредит линиясидан фойдаланиш йўналишлари	- асбоб-ускуналар - дастгоҳлар - бошқа технологик ечимлар, ускуналар, бутловчи қисмлар, эҳтиёт қисмлар, хом ашё, товарлар сотиб олиш ва чет элда ишлаш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш
Кредит бериш муддати	Кредит муддати – асосий воситаларни сотиб олиш учун 5 йилгача Айланма капитални сотиб олиш учун – 18 ойгача Имтиёзли давр – асосий воситаларни сотиб олишда 2 йилгача, айланма капитал учун 6 ойгача
Кредит миқдори бўйича чекловлар	300 000 АҚШ долларигача
Фоиз ставкаси	6 ой ЛИБОР АҚШ долларарида + 8 %
Ҳисоб-китобларнинг базавий шартлари	Аккредитив – 100%: ускуналарни жўнатишда 90% ускуналарни ўрнатиш учун 10% Олдиндан тўлов аванс тўловини қайтариш учун банк кафолати тақдим этилганда амалга оширилади
Қарз олувчининг ўз маблағлари улуши	Камида 33,33 фоиз
Талаб этилган гаров таъминоти	Кредит суммасининг камида 125 фоизи
Тўловларнинг даврийлиги	Ярим йиллик тўловлар
Бошқа шартлар	Кредитлар АҚШ долларарида берилади Корхонада ишлайдиган аёлларнинг улуши камида 50% бўлиши керак Ишлаб чиқарувчи / етказиб берувчи минтақавий ёки минтақавий бўлмаган ОТБ аъзоси бўлган мамлакат резиденти бўлиши керак. Экспортга йўналтирилган ва Тошкент шаҳридан ташқарида амалга ошириладиган лойиҳаларга, шунингдек, валюта тушуми бўлган корхоналарга устувор аҳамият берилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, хориждан кредит линиялари, қарз маблағларини жалб қилиш сиёсати миллий иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва мамлакатимиз имижини яхшилаш имконини беради. Тижорат банклари жалб этаётган хорижий кредит линиялари иқтисодиётимиз ривожда, жумладан, ишлаб чиқариш ва енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар кўрсатиш, озиқ-овқат саноати ва бошқа соҳаларда тадбиркорлик субъектларининг улушини оширади, ушбу тармоқларга замонавий технологиялар ва ускуналарни жорий этиш учун замин яратади.

Тадқиқот жараёнида биз кичик бизнесга берилган кредитларда вужудга келадиган муаммоли кредитлар таъсирини баҳолайдиган бир нечта бошқариладиган ўзгарувчилар бўйича эконометрик таҳлил ўтказдик. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми билан муаммоли кредитлар ҳажми ўртасидаги Грэнжер-каузаллик сабабини синаб кўрдик. Таҳлил учун фойдаланилган статистик маълумотлар “Ипак йўли” банкидан олинган ва 10 йил давомида банкнинг 13 та филиалининг кредит портфеллари бўйича ҳар чоракда олинган маълумотлар асосида

²⁰ “Ипак йўли” АТБ. www.ipakyoli.com.

тузилган. Таҳлил қилинаётган статистика маълумотлари баланسدан ташқари панел статистик маълумотлар ҳисобланади. Банк томонидан тақдим этилган маълумотлар умумий кредитлардан келиб чиққан муаммоли кредитлардан, захира кредитларидан ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлардан иборат. Ушбу дастлабки маълумотлар таркибидан инфляция босимни истисно қилиш ва эконометрик таҳлилни ўтказиш учун банкларнинг умумий кредитларини ажратиш орқали статистик маълумотлар танлаб олинди.

Бизнинг эконометрик таҳлилимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми билан муаммоли кредитлар ҳажми ўртасидаги боғлиқлик статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Муаммоли кредитлар ҳажмининг ошиши тижорат банкининг ликвидлигига салбий таъсир кўрсатади. Натижада банкда мувозанатсиз ликвидлик муаммоси кескинлашади, бу эса банк томонидан бериладиган кредитлари ҳажмининг камайишига, шу жумладан кичик бизнес субъектларига бериладиган кредитлар миқдорининг пасайишига олиб келади. Синов натижалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлардан келиб чиққан муаммоли кредитларнинг 5 фоизли статистик қийматига эга таъсири ушбу йўналишда ажратилган кредитларга нисбатан Грэнжер каузалликка эга эканлигини кўрсатмоқда. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини ушбу йўналишдаги банк филиаллари кредитлари ва бизнес-режалар бўйича олиб боради, ҳамда муаммоли кредитлар банкдан ташқари тизим муаммолари натижасида вужудга келади.

